БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 150 (5141).

5 ИЮЛЬ 1983 й.

СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.

Баҳоси 3 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 23-қурилиш трести системасида меҳнат ҳақидаги қонунларга қандай риоя қилинаётганлигини 4 июль куни муҳокама қилди. Комиссия трест раҳбарлари 1982 йилда депутатлар ўтказган текшириш натижаларидан тегишли хулосалар чиқариб олмаганликларини қайд этиб ўтди. Трест бўлинмаларида ходимларни қабул қилиш, бошқа ишга кўчириш ва ишдан бўшатиш чоғида меҳнат ҳақидаги қонунлар ҳамон бузилмоқда. Касаба союз комитетлари билан келишмай ишдан бўшатиш, ишчилар ва хизматчиларни ишдан ташқари меҳнатга жалб этиш фактлари учраб туради. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларга қарши етарлича кураш олиб борилмайди.

Трест маъмурияти фаолиятидаги камчиликлар кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлмоқда, план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига салбий таъсир ўтказмоқда.

Комиссия 23-қурилиш трести раҳбарларининг диққат-эътиборини трест ишидаги мавжуд камчилик ва нуқсонларга яна қаратди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига мажлисда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш таклиф қилинди.

Шу куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда Коммунал хўжалик ва маиший хизмат комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Комиссиялар республика Олий Совети сессияси муҳокамасига тақдим этиладиган Ўзбекистон ССР Уй-жой кодекси лойиҳасини муҳокама қилиб, маъқулладилар.

(ЎзТАГ).

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1983 йил 4 июлда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XI пленуми бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Доклад юзасидан бошланган музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова, Навоий область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Жиззах область Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Х. Рустамова, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Фарғона тўқимачилик комбинатининг мастери Н. И. Ермолаева, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Туркистон Ҳарбий округи ҳарбий кенгашининг аъзоси — Сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. А. Моисеев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Ўзбекистон ССР маданият министри З. Р. Раҳимбобоева, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Н. Сивец, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, «Каршистрой» территориал бошқармасининг бошлиғи С. Ч. Чегебоев ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг «КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида 1983-1985 йилларда республикада чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Айтмуротовнинг ахборотини тинглади.

Пленумда Ш. Р. Рашидов якунловчи нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Марказий Комитет пленуми ишда хатоларга йўл қўйганликлари, партия ва давлат интизомини бузганликлари учун Н. Ҳикматовни ва Б. Элбоевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети составидан чиқарди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ ПЛЕНУМДАГИ НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН ҚОИДА ВА ХУЛОСАЛАРНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни бажариш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг фаолиятида, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий турмушида катта ва шонли воқеа бўлди, деб зўр мамнуният билан қайд этади.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ёрқин, чуқур мазмунли нутқида зўр назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қоидалар ҳамда хулосалар баён этиб берилди. Совет жамияти ривожланган социализмни планли равишда ва ҳар тарафлама такомиллаштириш босқичига қадам қўйди, ундаги ишлаб чиқарувчи кучларда ва ишлаб чиқариш муносабатларида чуқур сифат силжишлари содир бўлмоқда, сиёсий система муваффақиятли ривожланмоқда, совет кишиларининг онги ўсмоқда.

Бутун мамлакат каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўз сафларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети, Юрий Владимирович Андропов бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси теварагида тобора маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар. Республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, партиянинг ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш, тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлини якдиллик билан маъқуллаб, сидқидилдан қўллаб-қувватламоқдалар.

Меҳнаткашларнинг интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўлидаги курашида янада уюшқоқлик билан самарали ишлашга, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини сўзсиз бажаришни таъминлашга интилаётганликларида мана шу қўллаб-қувватлаш ўзининг амалий, конкрет ифодасини топмоқда.

Кундалик ва истиқбол вазифаларни ҳал этишда идеологик, оммавий-сиёсий ишнинг роли ва аҳамияти беқиёс ошиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш идеология ходимларининггина иши эмас, бу — бутун партиянинг, унинг барча ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг ишидир.

Республикада оммага ғоявий таъсир ўтказишнинг жуда хилма-хил форма ва воситалари ҳосил қилинган. Матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш, оғзаки ва кўргазмали сиёсий пропаганда, халқ маорифи кенг миқёсда ривож топган, маданий-оқартув муассасаларнинг кенг тармоқли шахобчаси вужудга келтирилган. Идеология ходимларининг кўп сонли, яхши билимдон, партия ишига садоқатли кадрлари тарбияланиб вояга етказилган. Улар республиканинг миллион-миллион меҳнаткашларига кун сайин таъсир ўтказиб турибди.

Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг фидокорона, ҳалол меҳнати, уларнинг XI беш йиллик социал-иқтисодий режаларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасининг амалга оширишдаги ютуқлари бу ишнинг самарадорлигидан яққол далолат беради. Республика саноат корхоналарининг коллективлари умуман ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқдалар.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари мамлакатга пахта етказиб берувчи асосий республика зиммасига юклатилган фахрий вазифани шараф билан бажармоқдалар. Улар олти миллион тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш маррасини мустаҳкам ўзлаштириб олиб, шу билан бирга дон, сабзавот, мева, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтирмоқдалар. Республикада меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини ошириш, уларга хизмат қилишнинг ҳамма турларини такомиллаштириш учун кўп иш қилинмоқда.

Мана шу муваффақиятларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг партия XXVI съезди йўл-йўриқларига, КПСС Марказий Комитети 1979 йил 26 апрель қарорига мувофиқ идеология ишини яхшилаш борасидаги хилма-хил ва собитли фаолияти натижасидир. Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг Пленумида уқтириб ўтилганидек, бу соҳадаги жиддий камчиликлар тўла-тўкис тугатилгани йўқ, айрим партия комитетлари бу ишга муносиб равишда эътибор бермаяптилар. Тарбиявий ишнинг практика эҳтиёжларидан узилиб қолишига, турмушда юзага келаётган проблемалардан четга чиқишга, расмиятчилик ва дабдабабозликка ҳамон йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида баён этилган программавий қоидалар ва хулосаларни тўла-тўкис маъқуллайди, уларни муттасил ижро этиладиган дастуриламал деб қабул қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг фикрини ифодалаб, ленинча типдаги атоқли раҳбар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайланишини зўр мамнуният ва якдиллик билан маъқуллайди.

Республикадаги область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида баён этилган йўл-йўриқларга амал қилиб, кадрларни ўрганиш, танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни доимо яхшиласинлар, бутун ташкилотчилик, идеология, оммавий-сиёсий ишни ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида партия билан халқ ҳал этаётган катта ва мураккаб вазифаларга мувофиқ янги поғонага кўтарсинлар. Омма орасидаги сиёсий иш партия билан халқнинг бирлигини мустаҳкамлаши, меҳнаткашларнинг коммунистик эътиқодини, сиёсий активлигини ошириши, уларнинг ижодий куч-ғайратини қулф урдириши лозим.

Идеология ишини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширилсин, бу ишнинг актуал хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан узвий равишда ва чамбарчас боғланиши мустаҳкамлансин, меҳнаткашларнинг умумий таълим ва маданий савияси ўсганлигини ҳамда аҳоли турли группаларининг хусусиятларини назарда тутиб, оммавий-сиёсий фаолиятнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга, унинг форма ва методларини такомиллаштиришга эришилсин, пропаганда ва агитациянинг жанговарлик характери таъминлансин.

Идеология ишининг ғоявий-назарий савиясини ошириш мақсадида республиканинг илмий муассасалари, барча олимлари ҳозирги тараққиётнинг энг муҳим амалий вазифалари сари кескин бурилиш ясашлари таъминлансин. Уларнинг бутун куч-ғайрати марксизм-ленинизм таълимотининг актуал проблемаларини янада пухта ишлаб чиқишга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, одамларда коммунистик дунёқарашни шакллантиришнинг, социал турмушни интернационаллаштиришнинг ишончли йўлларини тадқиқ этишга сафарбар қилинсин.

Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги ўрнига ва республиканинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда тармоқ комплекс проблемаларини кўзловчи илмий ечимлар айниқса муҳимдир. Хом ашё ресурсларини қидиришни давом эттириш, «Пахта», «Сув», «Меҳнат ресурслари», «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» номли катта-катта комплекс илмий ишлаб чиқариш программаларини ишлаб чиқиш сингари халқ хўжалик вазифалари умумдавлат аҳамиятига эгадир. Илмий ишлар амалий тавсияларда рўёбга чиқиши, асосли иқтисодий ва социал прогнозлар бериши лозим.

Республика партия ташкилотлари КПССнинг социал-иқтисодий сиёсатини чуқур тушунтириб берсинлар, бутун диққат-эътиборни хўжалик қурилишининг туб вазифаларини ҳал этиш, озиқ-овқат ва энергетика программаларини амалга ошириш, республиканинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини янада кўпайтириш учун конкрет қайси ишларни қай тарзда бажариш кераклигига қаратсинлар.

Меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари идеология, сиёсий-тарбия ишининг ҳамма форма ва воситалари орқали планларни ва социалистик мажбуриятларни бажаришда уларнинг шахсий ҳиссасини янада кўпайтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга сафарбар этилсин. Интизом мустаҳкамлансин, ҳар бир ходимнинг топширилган иш учун, ишлаб чиқариш қувватларидан, хом ашё, энергия, иш вақтидан яхшироқ фойдаланиш учун масъулияти оширилсин.

Ташкилотчилик ва сиёсий иш республика агросаноат комплексининг ҳамма бўғинлари: колхоз ва совхозлар, «Сельхозтехника», тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари, транспорт ва савдо ташкилотлари, қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган барча муассасалар ишининг самарадорлигини янада оширишга қаратилсин, Озиқ-овқат программаси муттасил рўёбга чиқарилишига, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида, ҳеч нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва сақлаб қолиш, зарур озиқ-овқат, аввало дон ресурсларини вужудга келтириш учун юксак ғайрат-шижоат, уюшқоқлик кўрсатилишига, барча мавжуд имкониятларни очиб, улардан фойдаланилишига ҳаракат қилинсин.

Партия, совет, касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатини бутун чоралар билан ривожлантирсинлар. Мусобақадошларнинг куч-ғайратларини маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, хом ашё ва материалларни, энергия ва иш вақтини тежаш сингари мақсадларга эришишга сафарбар қилинсин. Агросаноат бирлашмалари, хўжалик ҳисобидаги ишлаб чиқариш бригадалари шароитида ғоявий-тарбиявий ишнинг самарали формаларини ишлаб чиқиб, жорий этишга алоҳида эътибор берилсин.

Оммавий-сиёсий ишнинг жамики воситаларини сафарбар этиб, республиканинг ҳар бир меҳнатчисини замонавий иқтисодий фикрлайдиган қилиб тарбиялашга кўмаклашилсин. Корхоналардаги иқтисодий ўқиш ишлаб чиқариш таълими билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб борилсин, ҳамма янги, илғор ташаббуслар жонбозлик билан қўллаб-қувватлансин, илғор тажриба, фан ва техника ютуқлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига жорий этилсин.

Республика партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларни марксча-ленинча дунёқараш, партия ишига астойдил садоқат, СССР халқларининг мустаҳкам қардошларча дўстлиги ғояларига ихлосмандлик, чуқур интернационал эътиқод, юксак ахлоқий фазилатлар, актив ҳаётий позиция руҳида сабот билан тарбияласинлар.

Коммунистик идеалларнинг улуғворлиги, Коммунистик партиянинг Совет давлати иқтисодий ва мудофаа қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, халқнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини оширишга қаратилган бунёдгорлик фаолияти ишонарли тарзда яққол кўрсатиб берилсин. Ишчилар синфининг революцион идеология ва ахлоқи, унинг коллективчилик идеологияси, манфаатлари ва қарашлари республика барча меҳнаткашлари маънавий қиёфасининг асоси бўлиб қолишига ҳаракат қилинсин.

Сиёсий маориф, оммавий сиёсий ўқиш тармоғининг ишини янада яхшилаш чоралари кўрилсин, марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш яхшилансин, ҳар бир тингловчи партиянинг сиёсатини чуқур тушунишига, олинган билимларни амалда қўллана оладиган бўлишига ҳаракат қилинсин. Машғулотларнинг актив формалари ҳар томонлама ривожлантирилсин, уларнинг сиёсий йўналиши кучайтирилсин, қироатхонлик ва формализм тугатилсин, пропагандистларни танлаш ва ўқитиш такомиллаштирилсин.

Агитация ва пропаганданинг ҳамма формалари ёрдамида социалистик турмуш тарзининг олижаноб принциплари атрофлича очиб берилсин. Турмуш маданиятини, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш соҳасидаги иш тинимсиз олиб борилсин, республиканинг бу соҳадаги ютуқлари кенг пропаганда қилинсин. Юлғичлик фактлари таг-томири билан қатъиян тугатилсин, майда буржуа психологияси фактларига қарши муросасиз курашилсин, давлат мулкидан шахсий бойлик орттириш мақсадлари йўлида фойдаланиш, чайқовчилик, порахўрлик ҳолларига нисбатан чидаб бўлмайдиган вазият вужудга келтирилсин.

Идеология ишида ўзининг жадаллиги ва ўткирлиги жиҳатидан мислсиз бир-бирига мутлақо зид икки дунёқарашнинг икки сиёсий йўл — социализм ва империализмнинг ўзаро кураши тўла-тўкис эътиборга олинсин. КПСС билан Совет давлатининг қуролланиш пойгасини жиловлашга, халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштиришга, социалистик мамлакатларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштиришга, халқларнинг миллий озодлик курашига кўмаклашишга қаратилган ташқи сиёсат йўли тинимсиз пропаганда қилинсин. Империализмнинг халқ манфаатларига зид бўлган агрессив моҳияти, унинг сиёсати ва идеологияси ишонарли тарзда фош қилиб ташлансин. Буржуа пропагандасининг идеологик ғаламисликлари ўз вақтида ва далил-исботлар билан фош этилсин, бу ғаламисликларга кескин зарба берилсин, одамларнинг сиёсий сергаклиги, ғанимлик фикрларига уларнинг муросасизлиги, синфий душманнинг идеологик ғаламисликларига қарши туриш маҳорати мустаҳкамлансин. Жўшқин ва самарали қарши пропаганда системаси ташкил этилсин, у жанговарлик характерида олиб борилсин, ленинча миллий сиёсатнинг буюк муваффақиятлари актив пропаганда қилинсин, мамлакатимизнинг муваффақиятлари экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида Совет Ўзбекистони мисолида яққол кўрсатиб берилсин.

Партия комитетлари тарбия ишига комплекс ёндашишни изчиллик билан амалга оширсинлар, идеология муассасаларининг ишини, оммага ғоявий таъсир ўтказиш барча воситаларини мувофиқлаштириб туришни таъминласинлар, меҳнат коллективларидаги идеология фаолиятини ташкил этишга биринчи даражали эътибор берсинлар, энг яхши пропагандист кадрлар шу коллективларга жамлансин, меҳнат коллективларининг етакчи кучи ва сиёсий ўзаги бўлмиш бошланғич партия ташкилотларининг роли ва аҳамияти, уларнинг социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун масъулияти оширилсин.

Матбуот, радио ва телевидениенинг юксак ғоявий-тематик йўналиши, оперативлиги, ишонтирарли ва мароқли бўлиши, жанрларининг хилма-хиллиги таъминлансин. Партия комитетлари оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ишидаги икир-чикирга аралашмай, уларга амалий равишда йўл-йўриқ бериб турсинлар, уларнинг жанговарлигини ва обрў-эътиборини оширсинлар, принципиал чиқишлар қўллаб-қувватланишини таъминласинлар, проблемали ва танқидий материалларга эътиборсизлик фактларига нисбатан қаттиқ чора кўрсинлар, матбуотнинг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамласинлар, журналист кадрлар тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни яхшиласинлар. Полиграфия саноатининг орқада қолаётганлигини тугатиш зарур. Шу муносабат билан мавжуд босмахоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва яхшилаш, уларнинг қувватларини кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш лозим. Бадиий ва болалар адабиёти асарларининг аҳамияти ошиб бораётганини эътиборга олиб, уларни нашр этиш масалалари тубдан яхшилансин.

(Давоми тўртинчи бетда).

## МОСКВАГА КЕЛИШДИ

ГФР Федерал канцлери Г. Коль билан ГФР Федерал канцлери ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер совет раҳбарларининг таклифига биноан 4 июль куни Москвага келишди.

Аэродромда меҳмонларни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 4 июлда Венгрия Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг биринчи секретари Дьердь Фейти бошчилигида республикада меҳмон бўлиб турган Венгрия Коммунистик Ёшлар Союзининг делегациясини қабул қилди.

Дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов венгер комсомолининг раҳбарларига Ўзбекистон меҳнаткашларининг, республика комсомоллари, барча ёшларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга ошириш йўлидаги кураши ҳақида гапириб берди.

Суҳбат чоғида республика меҳнатчилари Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаётганликлари, ер юзида тинчлик таянчи социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва қудратини доимо мустаҳкамлашни ўзларининг энг муҳим бурчи деб билаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги қардошлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётганлиги қайд этилди. Бу алоқаларни ривожлантиришга Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Дьердь Фейти Венгрия Коммунистик Ёшлар Союзининг делегацияси самимий кутиб олинаётганлиги учун миннатдорчилик изҳор этди. У Ўзбекистон меҳнаткашларига, ёшларига коммунистик қурилишда янгидан янги муваффақиятлар тилади.

Суҳбатда ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ю. А. Дергаусов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов қатнашдилар. (ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Австрия «Кредит-аншальт банкферайн» банки правлениесининг раиси Ханнес Андраш бошчилигидаги Австрия Республикаси делегацияси республикамизда меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига бордилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозда бўлдилар.

Австрия делегациясининг аъзоларини 4 июль куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев қабул қилди. (ЎзТАГ).

## тонгги газеталарда

● СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссияларининг делегацияси 3 июль куни Ватанига жўнаб кетди. Делегация Франция миллат мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг таклифига биноан бу ерда меҳмон бўлиб турган эди. СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин делегацияга бошчилик қилмоқда.

Москвада делегацияни КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг бўлим мудири ўртоқ Виктор Данилович **Корсовскийга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ ПЛЕНУМДАГИ НУТҚИДА БАЁН ЭТИЛГАН ҚОИДА ВА ХУЛОСАЛАРНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда).

Танқид, айниқса, матбуотдаги танқид ижобий позицияларда туриб олиб борилиши, ишчан, амалий характерда бўлиши кераклиги шубҳасиз. Бу ўринда инсоннинг иззат-нафсини таҳқирлайдиган адабсиз ибораларга, чуқур таҳлил этиш ўрнига, аччиқ гаплар айтишга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун партия комитетлари ўзларининг матбуот органларидан қаттиқ жавоб талаб қилишлари керак.

Бироқ, матбуотнинг амалий ишларидан кўз юмаётган, уларга расмият учун хўжакўрсинга жавоб қайтараётган кишиларга нисбатан бундан ҳам қаттиққўллик билан ёндашмоқ керак.

Радио ва телевидение тармоғини янада кенгайтириш соҳасидаги ишлар партия комитетларининг алоҳида контроллиги остида бўлиши керак. Телевизион ретрансляторлар сони кўпайтирилиши зарур, чунки олис жойлардаги бир қанча районлар ҳали телевизион кўрсатувлар билан дуруст қамраб олинмаган.

Газеталарни офсет босма усулига ўтказишни жадаллаштириш, фотонаборни, бошқа замонавий машина-ускуналарни тезроқ жорий этиш зарур. Газеталарни тезроқ етказиб бериш учун афтидан, республиканинг турли зоналарида марказий ҳамда республика газеталарини фототелеграф орқали қабул қилиш ва уларнинг регионал нусхаларини босиб чиқариш пунктларини ташкил этиш керак.

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми маданият ходимлари олдига янги вазифаларни қўйди. Инсоннинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш, юксалтириш, шахснинг сиёсий ва маънавий қиёфасига актив таъсир ўтказиш — маданият ходимларининг ғоят муҳим вазифасидир. Янги инсонни тарбиялашда, унинг маданий, социал билим доирасини кенгайтиришда, унинг ҳаётий позициясини шакллантиришда ёзувчилар, рассомлар, композиторларнинг, театр ва кино арбобларининг роли бебаҳодир.

Биз шуни мамнуният билан қайд этаоламизки, Ўзбекистоннинг санъаткор зиёлилари ҳозирги замон қаҳрамонининг характерини тобора чуқур ва самарали тадқиқ этиш, ҳаётнинг мураккаб, актуал проблемаларига дадил мурожаат этиш йўлидан бормоқдалар.

Кейинги йилларда республикамизда совет кишисининг синфий, гражданлик позициясини шакллантиришга кўмаклашувчи бир қанча талантли адабиёт, кино ва театр, музика, рассомлик, архитектура асарлари пайдо бўлди. Ўзбекистон вакиллари халқаро ва Бутуниттифоқ санъат конкурслари ҳамда фестивалларида актив иштирок этмоқдалар.

Биз ҳаётни бадиий идрок этиш, коммунистик идеалларни қарор топтириш соҳасида вужудга келтирилган барча қимматли ва истиқболли ютуқларни мустаҳкамлаб, кўпайтиришимиз керак. Инсоннинг маънавий дунёсини бойитадиган, унинг ғоявий, сиёсий, ва маънавий қиёфасини шакллантирадиган адабиёт ва санъат асарларига биз катта иқтисодий ва социал аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш муваффақиятларига қандай баҳо бераётган бўлсак, худди шундай баҳо беришимиз лозим.

Санъаткор зиёлилар ўртасидаги жамоат муҳитига кўп нарса боғлиқ. Ғоявий урғуларни жой-жойига қўйишдаги ноаниқлик, саёз темаларга, турмушни натуралистик тасвирлашга, жамиятда содир бўлаётган жараёнларни юзаки ёки бир томонлама ёритишга берилиб кетиш санъаткор ижодига зарар етказади, холос.

Республикада китоб нашр этиш иши тобора ривожланди. Шу билан бирга, гарчи босиб чиқарилаётган китобларнинг нусхаси кўпайиб бораётган бўлса-да, киши бошига тўғри келаётган китоблар сони аввалги даражада қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатда бу кўрсаткич муттасил ўсиб бормоқда. Республикада мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ўқув юртлари учун айрим фанлардан ўзбек тилидаги дарсликлар жуда етишмаётганлиги сезилмоқда, бадиий адабиёт ва болалар адабиёти салмоғи секинлик билан ўсмоқда.

Кино бебаҳо тарбиявий потенциалга эгадир. Аммо унинг ғоят катта ғоявий-сиёсий имкониятидан ҳали тўлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Давлат, касаба союз ва идораларга қарашли кино тармоғининг ҳозирги тарқоқлиги кино установкаларидан, фильмлар фондидан фойдаланишга, репертуарни планлаштиришга салбий таъсир ўтказмоқда. Кўпгина кинопрокат ташкилотлари зарар кўриб ишламоқда ва айни вақтда аҳолининг талайгина қисми кино хизмати билан қамраб олинмаган. Кўп ҳолларда кинотеатрлар қурилиши норматив муддатларида белгиланганига нисбатан бир ярим-икки баравар ошириб юборилмоқда.

Республика Кинематография давлат комитети, ижодий союзлар пировард натижага — асарнинг юқори сифатли бўлишига ҳамда унинг жамоат таъсири юксак самара беришига эришиш учун барча ходимларнинг куч-ғайратларини сафарбар этишлари керак.

Бизнинг олдимизда маданий-маърифий муассасаларнинг ходимларини меҳнат коллективларининг турмушига активроқ жалб этиш вазифаси турибди. Бу ходимлар корхоналарда бўлишлари, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини ўрганишлари, истиқомат жойларида, дам олиш жойларида тобора актив фаолият авж олдиришлари, ўз ишларига фан-техника зиёлиларини, энг кўп тайёргарлик кўрган меҳнаткашларни жалб этишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Кинематография давлат комитети, Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети Ўзбекистон меҳнаткашлари маънавий турмушининг ҳар хил соҳаларини ривожлантиришга раҳбарликни яхшилашлари керак. КПСС Марказий Комитети партия органларини, ижодий союзларни, маданият муассасаларини шундай вазият вужудга келтиришга йўлламоқдаки, бундай вазиятда принципсизлик, муросасозлик фактларига, субъектив ғаразгўйликка қатъиян чек қўйилиши керак.

Талантга нисбатан меҳрибонлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, дунёқарашдаги ноаниқликка нисбатан муросасизлик, юксак партиявий талабчанлик руҳи республика ижодий союзларининг, санъат ва маданият муассасаларининг ишига сингиб кетиши лозим.

Ўртоқлар! Чет эллардаги империалистик пропаганда кучайиб кетган, миллатчилик кайфиятларини, диний жаҳолатни авж олдиришга уринишлар қилинаётган ҳозирги вақтда идеология кадрларидан ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларга холисона баҳо бериш, синфий душманнинг мафкуравий кўпорувчиликларини қатъиян фош қилиш имконини берадиган, юксак талабчанлик, чинакам ленинча партиявийлик талаб этилади.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг ўткирлиги мавжуд тажрибадан ижодий фойдаланишни, ахборот-пропаганда ҳамда қарши пропаганда тадбирларнинг янги формалари ва методларини қидириб топишни тақозо этмоқда.

Шу жиҳатдан бизда кўп иш қилинаётган бўлса-да, лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти, чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар қилувчи Ўзбекистон жамияти («Ватан» жамияти), Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг чет эллар учун эшиттиришлар бош редакцияси, Кинематография давлат комитети, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маданият министрлиги, ижодий союзлар, Интурист системаси, Новости матбуот агентлиги Ўзбекистон бўлими, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон комсомоли ташқи сиёсий пропаганда сифатини оширишнинг мавжуд резервларидан тўла-тўкис фойдаланяптилар, деб бўлмайди.

Ана шу барча ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида уларнинг ишини кескин кучайтириш зарур. Антикоммунизмни далиллар билан амалий равишда, юксак илмий даражада исботлаб фош этиш, ҳозирги капитализмнинг агрессив моҳиятини очиб ташлаш, у авж олдириб юборган психологик урушга дунёдаги аҳвол тўғрисидаги қудратли ва ишонарли ҳақиқат қуролини, КПССнинг тинчликсевар йўлини, унинг ер юзида тинчлик, халқларнинг социал ва миллий ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашини қарама-қарши қилиб қўйиш керак.

Мана шу ишларнинг ҳаммасида ўртоқ А. А. Громиконинг «Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида»ги докладидан ҳамда СССР Олий Советининг ушбу масалага доир қароридан тўла фойдаланиш лозим.

## III

Ўртоқлар! Омма ўртасидаги сиёсий иш — партиямиз идеология фаолиятининг асосий соҳасидир. Бу иш меҳнаткашларни, барча гражданларни юксак онглилик руҳида тарбиялашга, КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини уларга тушунтириб беришга, коммунистик дунёқарашни шакллантиришга қаратилган.

Омманинг умумий ва сиёсий маданиятини, социал активлигини ривожлантиришдаги ҳар бир янги марра шунга мувофиқ равишда идеология ишининг мазмуни, уни ташкил этиш методлари ва формаларига нисбатан талабларни оширади. КПСС XXVI съезди меҳнаткашларни сиёсий руҳда тарбиялашни сифат жиҳатдан яхшилаш вазифасини ўртага қўйиб, буни тўла даражада ҳисобга олган эди.

Съезддан кейин ўтган вақт ичида партия ташкилотлари пропаганда масалалари билан активроқ шуғулланадиган, унинг самарадорлигини оширишда кўпроқ ташаббускорлик ва ижодкорлик кўрсатадиган бўлиб қолдилар. Аммо тўғрисини айтсак, ҳамма жойда ҳам шундай бурилиш содир бўлгани йўқ. Баъзи партия комитетларида идеология ишига бағишланган масалаларни кўриб чиқиш кўпайганлиги ҳали аҳволнинг тубдан ўзгарганлигидан далолат бермайди. Қарорлар қанчалик яхши бўлмасин, конкрет ташкилотчилик иши олиб борилмаган тақдирда уларнинг ўзи билангина кишиларни тарбиялашни яхшилаб бўлмайди.

Бизда ҳали шундай партия комитетлари оз эмаски, улар бирон бир корхона, қурилиш, хўжаликнинг фаолиятини муҳокама қила туриб, кўпинча асосан техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил этадилар ва партия ташкилотининг ишини чуқур ўрганишни, коммунистлар жой-жойига қандай қўйилганлигини, уларнинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётидаги ролини, оммавий-сиёсий тадбирлар самарадорлигини кўриб чиқишни унутиб қўядилар.

Баъзи бировлар муваффақиятининг сири ва бошқа бировлар қолоқлигининг сабаблари одатда объектив омиллардан ташқари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда, партия ташкилотлари барча бўғинлари активлиги ва жанговарлигида, оила ва мактабдан бошлаб то меҳнат коллективигача идеология ишининг ҳамма қисмларида эканлигидан ҳаёт яққол далолат бериб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми идеология иши — бутун партиянинг, бинобарин эса ҳар бир коммунистнинг ҳам иши эканлигини таъкидлади. Шу боисдан ҳам партия комитетлари партиянинг ўз ичидаги идеология иши савиясини оширишлари, унинг форма ва методларини такомиллаштиришлари шарт.

Республика партия ташкилотимизга ҳар йили бир неча минг киши қўшилмоқда, уларнинг кўплари 30 ёшга етмаган кишилардир. Партияга кирган ҳар бир кишига унинг ғоявий-сиёсий меросини, ленинча анъаналарини, большевикча ахлоқ-одобни чуқур эгаллашга ёрдам бериш керак.

Партия Марказий Комитетининг идеология иши масалалари билан партия комитетларининг биринчи секретарларини, барча раҳбар коммунистлар доимо шуғулланишлари лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмаси беқиёс муҳим аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши учунгина эмас, шу билан бирга коллективдаги маънавий-психологик иқлим учун, хўжалик фаолиятининг идеологик оқибатлари учун ҳам уларнинг масъулиятини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда.

Ҳар бир раҳбар ўзининг бутун иш услуби билан, ишга муносабати, одамлар билан муомала қилиш тарзи билан, шахсий хулқ-атвори ва намунаси билан коллективнинг онгига ва кайфиятига таъсир қилади. Бизнинг республикамизда ҳам, ўртоқ К. У. Черненконинг ибораси билан айтганда, «калондимоғлик дарди» пайдо бўлиб қолганлиги, манманлик, дағаллик ва сансоларлик фактлари учраб турганлиги важидан ҳам шуни эслатиб ўтишга тўғри келади.

Баъзан биз айрим раҳбарларнинг тарбиявий ишдан четда қолаётганликларини, одамлар билан учрашиш, ишларнинг аҳволи ва ўртада турган вазифалар ҳақида гапириб бериш, тўлқинлантираётган масалаларга жавоб қайтариш имкониятларини писанд қилмаётганликларини кўрсатувчи фактларга дуч келиб турибмиз. Меҳнаткашлар билан бевосита алоқада бўлиш, уларнинг фикри ва кайфиятини билиш, одамларнинг онги ва дилига шахсан таъсир ўтказиш ҳар бир раҳбар муваффақиятли фаолиятининг зарур ва мажбурий шартидир.

Республика меҳнаткашларининг ижтимоий фикрини чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳамда прогноз қилишни ташкил этиш учун ҳамма чораларни кўриш, бу ишни қатъий илмий асосга қўйиш зарур. Ҳозирнинг ўзидаёқ махсус социология бўлимига эга бўлган Фанлар академияси ва бошқа ҳамма идеология муассасалари бу соҳада кўп иш қилишлари керак. Жамоат фикрини билиш учун ягона сиёсий кунларнинг, раҳбарлар билан омма ўртасидаги бевосита алоқанинг имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим. Худди шу мақсадда бизда ташкил этилган турмуш маданияти кенгашларининг имкониятларидан тўлатўкис фойдаланиш керак. Меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни бундан буён ҳам такомиллаштириш зарур.

Баъзан учраб қолаётган салбий ҳодисаларга қарши бундан буён ҳам кескин курашишимиз керак. Бизда топширилган иш учун масъулият доимо оширилиши, лавозимни суиистеъмол қилиш таг-томири билан қатъиян тугатилиши устидан, социалистик мулкка тажовуз қилиш, чайқовчилик ва порахўрлик, хўжакўрсинга иш қилиш ва кўзбўямачилик, бошқалар ҳисобига кун кўриш, манманлик, инсофсизлик ва юлғичлик йўлига қаттиқ тўсиқ қўйилиши устидан қатъият билан кузатиб келдик ва келгусида ҳам кузатаверамиз.

Партия ёшлар ўртасидаги идеология ишига катта эътибор бермоқда. Мамлакатнинг бутун тарихи мобайнидаги энг саводли, профессионал жиҳатдан энг яхши тайёргарлик кўрган ёш авлод ҳозир мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Партия идеалларига садоқатли ёшларимиз беш йилликнинг олдинги маррасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, социалистик ҳамдўстликнинг тинчлиги ва осойишталиги посбонлигида турибдилар.

Республикамиз шароитида ёшлар ўртасида ишлашнинг алоҳида аҳамияти бор. Давлатимиз бошига тушган даҳшатли синовлар ва машаққатларни ўз тажрибасида кўрмаган ёшларни чиниқтириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилиш керак. Бу — оила, мактаб, меҳнат коллективи, комсомол, партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг муштарак ишидир.

Ёшларимизнинг салкам 5 миллионли отряди мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларидан, техникумлар ва олий ўқув юртларининг студентларидан иборат. Ўқувчилар ва студентларнинг жуда кўпчилиги — меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбияланган кишилардир.

Бироқ, педагогика коллективлари ва ўқув юртларининг, улардаги партия ташкилотларининг таълим-тарбия ишида жиддий нуқсонлар ҳам бор, бу эса ёшлар орасида кўнгилсиз ҳодисаларга, ҳуқуқ бузиш ҳолларига муқаррар равишда олиб боради. Биз ҳар бир ўқитувчининг, ҳар бир педагог ёш авлоднинг чинакам мураббийси бўлишига эришмоғимиз керак.

Умумий таълим мактабларининг ўзидагина 250 минг ўқитувчи ишлаб турибди. Бу — жуда катта куч, аммо биз, афсуски, шу кучдан муносиб самарадорлик билан фойдаланишни ўрганиб олганимиз йўқ. Бошланғич партия ташкилотларининг, ҳар бир коммунистнинг таълим-тарбия жараёнидаги ролини кўтариш зарур. Анчагина мактабларда умуман партия ташкилотлари йўқлиги бизни жуда ташвишга солмоқда. Ҳар бир мактабда партиянинг ёш авлодга таълим-тарбия бериш савиясини ошириш тўғрисидаги талабларни жонбозлик билан амалга оширувчи мустаҳкам, жанговар партия ташкилоти бўлиши лозим.

Ёшларни тарбиялашдек катта ишда ҳунар-техника билим юртларининг роли ортиб бормоқда. Жамиятимизнинг энг илғор ва етакчи синфи кадрлари айни шу ерда тарбияланмоқда, ёшларга умумий таълим бериш билан касб-ҳунар ўргатиш айни шу ерда энг самарали ва уйғун тарзда қўшилиши таъминланмоқда.

Кейинги йилларда республикада ҳунар-техника таълими системасини ривожлантириш учун кўп иш қилинди. Тўққизинчи беш йиллик бошланганидан бери ҳунар-техника билим юртларининг тармоғи тўрт баравар кенгайди. Ҳозир республикадаги барча ишчи кадрларнинг учдан бир қисмини ҳунар-техника билим юртлари тайёрлаб бермоқда. Аммо бу ҳали етарли эмас. Пленумда уқтириб айтилганидек, Ленинград областида малакали ишчиларнинг 85 процентини билим юртларида тайёрламоқда. Бу иш биз учун намуна ва ибрат бўлиши керак.

Ҳунар-техника таълимини ривожлантиришни давом эттириш, уни битириб чиққан ҳар бир киши ишлаб чиқариш илғори, новатори бўлиб қолишига, ишчилар синфининг революцион ва меҳнат анъаналари давомчиси бўлишига эришиш зарур. Ҳунар-техника таълими давлат комитети таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш билан тузукроқ шуғулланиши, кадрларнинг қўнимсизлигига қарши, ўқувчиларнинг ўқишни ташлаб кетиши кўплигига қарши қатъият билан курашиши, билим юртларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаши лозим.

Ҳунар-техника таълими билим юртларининг ёшлар ва ота-оналар ўртасидаги обрўсини ошириш — бу таълим турининг бош масалаларидан биридир. Билим юртларига асосан умумий таълим мактабининг тарбияси қийин ва заиф ўзлаштирувчи ўқувчилари қабул қилинишига йўл қўя олмаймиз. Мактаб мана шундай «кадрлар»ни ҳунар-техника билим юртларига юбориб, шу билан уларга панд бериб қўймоқда. Ишчилар синфи ҳам олий мактаб ва илм даргоҳлари каби аълочи ва яхшичиларга муҳтождир. Мактаб ўқувчиларига: «агар ёмон ўқийдиган бўлсанг, ҳунар-техника билим юртига юборамиз» деб айтаётган маориф ходимлари буни аллақачонлар тушуниб олишлари керак эди.

Ёшлар ўртасида ҳунар-техника таълимини бутун куч билан кенг пропаганда қилиниши керак, айниқса бизда билим юртлари яхши ишлаётганлигини кўрсатувчи, ишлаб чиқариш ходимларининг ташаккурига сазовор бўлаётган кўпгина намуналар бор. Бу соҳада оммавий ахборот воситалари, кино, ёзувчилар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, кенг жамоатчилик кўп иш қилиши мумкин ва лозим.

Ёшларни тарбиялашда ижтимоий фанларни ўқитишнинг ғоявий таъсири ошиб бормоқда. Партия олий ўқув юртларининг жамиятшуносларига идеология, сиёсий тарбия ишининг энг масъулиятли участкаларидан бирини ишониб топшириб қўйган. Жамиятимизнинг маънавий потенциали айни шу ерда шаклланади, дейиш мумкин.

Аммо, республикадаги ижтимоий фанлар кафедраларининг ҳаммаси ҳам ўз вазифаларини кўнгилдагидек бажараётганлари йўқ. Студентларнинг марксизм-ленинизмни ўрганиши соҳасидаги ишнинг аҳволи бизни қаноатлантира олмайди. Кўпгина лекциялар ва семинарлар ёшларни жуда қизиқтираётган масалалар билан яхши боғланмаяпти, машғулотларни ўтказишда ҳали расмиятчилик ҳоллари тез-тез учраб турибди.

Ҳаёт муаллимнинг шахсига, унинг интеллектуал, ғоявий-сиёсий ва маънавий қиёфасига нисбатан алоҳида талаблар қўяди. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан Маориф министрлиги жамиятшунос кадрлар тайёрлаш, олий мактаб тўғрисидаги машҳур қарорнинг бажарилиши устидан контролликни кучайтиришлари, бутун кучни ижодий меҳнат вазиятини вужудга келтиришга сарфлашлари, олий ўқув юртлари барча ходимларининг халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлаб бериш учун шахсий масъулиятини оширишлари зарур.

Биз истеъдодли ёшларни қидириб топишимиз, ўстиришимиз, ўз касбини мукаммал билиб олган, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаб етиштиришимиз керак. Улар бизнинг маънавий бойлигимиз, интеллектуал потенциалимиздир. Шу боисдан ҳам республика Маориф ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрликларининг бу соҳадаги масъулиятини анча ошириш лозим.

Ёшларнинг сиёсий, гражданлик, маънавий фазилатларини шакллантиришда комсомол кўп иш қилмоқда. Шундай бўлса ҳам, биз бир қанча комсомол ташкилотлари ёшларни чинакамига қизиқтираётган энг зарур проблемалардан четда турганликларини, ёшлар орасидаги янги тенденциялар, қизиқишларни ўз вақтида пайқаб олиб, шунга яраша иш тутишга, уларга тўғри йўл-йўриқ бериб туришга улгура олмаётганликларини кўришимиз керак.

Масалаларни тайёрлашда ва тадбирларни ўтказишда ҳали ҳам кўпгина комсомол ташкилотларига хос бўлган дабдабабозлик, шовқин-сурон, шошма-шошарлик, палапартишлик йигит ва қизларни тарбиялашга ёрдам бермайди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республикамиз барча ёш активлари шу камчиликларни тугатиш устида жиддий иш олиб боришлари керак.

Партия ва комсомол ташкилотларидан Лениннинг «Коммунизмни ўрганингиз» деган мангу барҳаёт васиятини сабот ва изчиллик билан турмушга татбиқ этиш талаб қилинади. Йигит ва қизларга таълим-тарбия беришда коммунистик ахлоқни шакллантириш, ғоясизликка, худбинликка, мешчанликка қарши, бизнинг орамизда ёт фикрлар ва хулқ-атворларни тарғиб қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши курашиш алоҳида ўрин олади.

Ёш авлодга социализмнинг тақдири учун, Ватаннинг равнақи ва хавфсизлиги учун масъулият туйғусини сингдириш — партия ва комсомол ташкилотларининг бурчидир. Айниқса, халқаро вазият кескин тус олган бир пайтда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — партиянинг, комсомолнинг, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг муқаддас бурчидир. Йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлашга, ёш авлодни Армия билан Флотнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялашга бутун куч ва воситалар сафарбар қилиниши керак.

Армиянинг сиёсий органлари билан биргаликда партия ташкилотлари чуқур саводли, ғоявий ва жисмоний жиҳатдан чиниққан йигитларнинг армияга келишларига, қаҳрамон Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш улар учун ажойиб меҳнат ва ҳарбий маҳорат, маънавий софлик ва мардлик, ватанпарварлик ва интернационализм мактаби бўлиб қолишига эришишлари керак. Маҳаллий миллат ёшларини касб танлашда ҳарбий ихтисосларга қизиқтириш тадбирларини зўр ғайрат билан ўтказиш, иттифоқдош республикалардан борадиган йигитларни ҳарбий ўқув юртларига конкурсдан ташқари қабул қилиш учун берилган имтиёзлардан имкони борича кўпроқ фойдаланиш зарур.

Ўртоқлар!

КПСС XXVI съездининг материалларида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг доклад ва нутқларида КПСС миллий сиёсатини янада ривожлантириш масалалари катта ўрин олади. Меҳнаткашларни пролетар, социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш партиянинг ривожланган социализмни такомиллаштириш соҳасидаги муваффақиятли фаолиятида энг муҳим шартлардан бири эканини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми яна таъкидлаб ўтди.

Совет Ўзбекистонида 120 дан ортиқ миллат ва элат намояндалари яшаб, меҳнат қилаётган бир шароитда уларнинг миллий анъаналари, психологияси ва маданияти хусусиятларини эътиборга олиш идеология ишида жуда муҳимдир.

Бу фаолиятнинг асосий йўналишлари ва вазифалари партиянинг машҳур ҳужжатларида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «СССРнинг 60 йиллиги» докладида белгилаб берилган. Кўп миллатли Совет давлати ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига бағишлаб бизнинг республикамизда ўтказилган илмий-назарий конференцияда шу мавзуда батафсил гапирилди.

Партия миллий муносабатлардаги янги ижобий ўзгаришларни ўз вақтида пайқаб олишни, миллатларнинг равнақ топиши ва ўзаро яқинлашуви тенденцияларини атрофлича таҳлил этишни, халқларимизнинг маданиятлари бир-бирини ўзаро бойитишига янада кенг имконият яратиб берадиган иш формаларини топишни талаб қилмоқда.

Биз ҳар бир кишини социалистик жамият учун, СССР халқларининг мустаҳкам қардошларча дўстлиги учун фахрланиш туйғуси руҳида тарбиялашимиз, ҳар бир киши интернационал ва миллий манфаатларнинг бирлигини англаб олишига, умумиттифоқ манфаатларни ҳамма нарсадан юқори қўядиган бўлишига, мамлакатимизнинг барча халқлари бирлиги ва яқинлашувини мустаҳкамлаш йўли билангина уларнинг равнақ топиши мумкинлигини астойдил тушунишига ҳаракат қилишимиз керак.

Бу соҳада республика Фанлар академияси, барча жамиятшунослар партия, идеология ташкилотларига катта ёрдам беришлари лозим. Биз уларнинг интернационал тарбия назарияси ва практикасига оид фундаментал тадқиқотлар яратишларидан, бу ишнинг самарадорлигини ошириш йўллари ва воситаларини амалда кўрсатувчи тадқиқотлар қилишларидан умидвормиз.

Интернационал онгни шакллантиришда барча қардош республикалар меҳнаткашларининг анъаналаридан, ғоявийлик, ахлоқ ва меҳнатсеварлик тарбиясининг хилма-хил формаларидан активроқ фойдаланиш, бу ишни сабот ва ишчанлик билан кенг миқёсда олиб бориш керак.

Биз актив интернационализм билан қуролланганмиз, бинобарин, Ўзбекистон вакилларининг Ноқоратупроқ ўлкадаги, Сибирдаги, БАМ қурилишидаги ва беш йилликнинг бошқа зарбдор иншоотларидаги ишларини кучайтириш мана шу интернационализмнинг конкрет ифодаси бўлиши лозим. Биз бу соҳадаги ташкилотчилик иши билан тушунтириш ишини янада активроқ бирга қўшишимиз, меҳнаткашларни, аввало ёшларни Ватаннинг энг муҳим халқ хўжалик объектлари қурилишига сафарбар қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-хўжалик ва оммавий-сиёсий фаолиятнинг ҳамма йўналишлари бирлигини таъминлашимиз керак.

Халқларни жипслаштиришда, кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда улуғ рус тили олижаноб ва фахрли роль ўйнайди. Ҳозирги замон шароитида Ленин тилини яхши билиб олиш ҳар бир гражданучун объектив зарурат ва эҳтиёж бўлиб қолмоқда. Бу тил оммани Ватанимиз ва жаҳон маданияти дурдоналаридан, фан-техника тараққиёти ютуқларидан баҳраманд қилишнинг, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг қудратли воситасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети рус тилини ўқитиш масалаларини доимо диққат марказида тутмоқда, уни ўрганишни кучайтириш, одамларни коммунистик руҳда тарбиялашга, ёшларни Совет Армияси сафида хизмат қилишга тайёрлашни яхшилашда бу тилнинг ролини ошириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқда.

Кейинги йилларда республикада рус тилини ўргатиш ва ўқитиш масалаларига бағишланган бешта Бутуниттифоқ ва регионал конференция ўтказилди. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган навбатдаги конференцияда умумий сиёсий ва назарий проблемалар билан бирга Совет Армиясига чақириладиган йигитларга рус тилини ўргатишни ҳар томонлама такомиллаштиришга оид амалий тавсиялар муҳокама қилинди.

Шу билан бирга бу соҳада қилинган катта ишларга қарамай, ўрта ўқув юртларини, айниқса, қишлоқ мактабларини битириб чиққан кўпгина ёшлар рус тилини яхши билмайдилар, улар миллатлараро шахсий муомалада, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий-сиёсий фаолиятда, ҳарбий хизматни ўташда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Иттифоқдош республикаларнинг умумий таълим мактабларида ва бошқа ўқув юртларида рус тилини ўргатишни яхшилашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарорида миллий республикалар ёшларининг рус тилини ўрганиш ва уни мукаммал билиб олиш истаги ҳамда эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш кўзда тутилган.

Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларига рус тилини ўргатишни ҳар томонлама кенгайтириш зарур. Педагогика билим юртларида, институт ва университетларда рус тилини ўргатиш ва ўқитишга алоҳида эътибор бериш, уларни битириб чиқувчи ҳар бир киши ихтисосидан қатъи назар, рус тилини иккинчи она тили сифатида эгаллашига эришиш лозим.

Тез орада биз Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаймиз. Бу республика меҳнаткашлари турмушида катта ва муҳим воқеа бўлади. Бинобарин, бу байрамга кўриладиган тайёргарлик ишлари интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиянинг ҳамма форма ва методларини янада такомиллаштиришга кўмаклашадиган бўлиши керак.

Партия аҳолининг диндорлар каби ўзига хос группасига ҳам доимо эътибор бериш зарурлигини уқтириб келмоқда.

Кейинги йилларда Шарқдаги қўшни мамлакатларнинг ғоявий-сиёсий турмушида ислом динининг, мусулмон руҳонийлари ва диний ташкилотларнинг роли кучайиб бораётганлиги равшан кўриниб турибди. Шу сабабли илмий атеистик тарбия масалалари катта аҳамият касб этади.

Кейинги вақтларда, айниқса, КПСС Марказий Комитетининг атеистик тарбияни кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмасидан кейин бизда одамларни илмий материалистик дунёқараш руҳида тарбиялаш, динлар тўғрисидаги совет қонунларига қаттиқ риоя этиш соҳасида бирталай иш қилинди. Бу иш — кампания эмас, у партия, совет, жамоат ташкилотларининг узоқ вақт кунт билан ишлашини, катта ва баҳамжиҳат куч-ғайратлар сарфлашини талаб қилади.

Совет анъаналари, урф-одатларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, байрамлар ўтказиш, янги урф-одатлар ва расм-русумларни жорий этиш соҳасида давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб боришни янада такомиллаштириш керак. Совет урф-одатларини такомиллаштиришда, уларни илмий атеистик тарбиянинг янада актив элементига айлантиришда ҳали катта резервлар борлигини кўпгина партия ва совет ташкилотлари орттирган тажриба кўрсатиб турибди.

Аҳолининг доимий диққат-эътибор беришни талаб этган яна бир муҳим категорияси — хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район комитетлари хотин-қизларнинг ғайрат-шижоатини ва сиёсий активлигини янада ошириш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш тадбирларн кенг комплексини амалга оширмоқдалар. Аёлларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини такомиллаштиришга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу билан бирга хотин-қизлар ўртасидаги ғоявий-тарбиявий ишда ҳали бирталай камчилик ва нуқсонлар бор. Бу ишда ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам кўнгилдаги самарага эришилаётгани йўқ. Айрим партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари хотин-қизларни унумли меҳнатга жалб қилишга дуруст эътибор бермаяптилар, улар учун қулай шароитларни яратмаяптилар.

Айрим жойларда хотин-қизлар КПСС сафларига кам қабул қилинмоқда, улар раҳбарлик лавозимларига кам кўтарилмоқда.

Сирдарё, Кегайли ва Бувайда районларида, Шаҳрисабз, Қувасой, Янгиобод шаҳарларида хотин-қизлар мана шундай лавозимларга камдан-кам кўтарилмоқда.

Хотин-қизларга муносабатда ўтмиш сарқитларининг кўринишларига қарши кураш унчалик сабот билан олиб борилмаяпти, уларнинг ор-номуси ва иззат-нафсини камситувчи кишиларни қаттиқ қоралаш вазияти вужудга келтирилмаяпти.

Партия ташкилотларининг, маҳаллий Советлар, касаба союзлари, жамоат органларининг вазифаси меҳнаткаш аёлларга яхши меҳнат ва турмуш шароитлари яратиб беришдан иборат. Хотин-қизларни савдо, маиший хизмат, умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш соҳасига активроқ жалб қилиш керак.

Ҳозир партия ташкилотлари меҳнат коллективларидаги ғоявий-тарбиявий фаолиятга эътиборни сусайтирмай, инсон турмушининг энг муҳим соҳаларидан бири — маиший соҳадаги ишнинг аҳволига тобора кўпроқ эътибор бермоқдалар. Бизда, айниқса, қишлоқдаги турмуш маданиятини ташкил этиш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда.

КПСС XXVI съездидан кейин ўтган вақт ичида колхоз ва совхозларнинг, агросаноат бирлашмаларининг маданий-маиший комплекслари янада ривож топди. Колхоз раисларининг ва совхоз директорларининг турмуш маданияти масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари штат лавозимлари жорий этилганлиги бу ишни ташкил этишни яхшилашда катта қадам бўлди.

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал тафовутларни тугатиш — зўр сиёсий аҳамиятга молик иш, Марказий Комитетнинг июнь Пленуми қарорларида яна бир карра тасдиқланган бош йўлдир. Биз республика аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш орқали хўжалик ҳаётининг энг зарур масалаларини ҳам ҳал қилаяпмиз. Халқ хўжалиги барча планларининг муваффақияти меҳнатчиларнинг турмуш шароитларига, улар қандай ишлаб, қандай дам олаётганликларига боғлиқ бўлади.

Меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини оширишдек муҳим умумпартия, умумдавлат ишида бепарво кузатувчилар бўлиши мумкин эмас. Бу иш барча коммунистларнинг, идеология жабҳасидаги ҳамма кадрларнинг жуда кенг кўламда актив иштирок этишини талаб қилади.

Партия тарбиявий ишнинг одамлар ҳаёт фаолияти ҳамма соҳаларини, шу жумладан уларнинг бўш вақтини, оилавий муносабатлар соҳасини ҳам ўз ичига оладиган бўлишини талаб қилмоқда. Бўш вақт сермазмун ва мароқли ўтиши керак, инсоннинг истеъдодини камол топтиришга, одамларни, Юрий Владимирович Андропов айтганидек, «оқилона истеъмол маданияти» руҳида тарбиялаши лозим.

Ҳар бир киши ишдагина эмас, бўш вақтида ҳам ўзига нисбатан доимо меҳрибонликни сезиб туриши ғоят муҳимдир. Бизда ҳам бу соҳада муайян тажриба бор. Республиканинг кўпгина аҳоли пунктларида оммавий-сиёсий ишнинг жамоат марказлари муваффақиятли ишлаб турибди.

Мана шундай марказлар аҳолини ўзига актив жалб этишини, илғор турмуш маданиятини изчиллик билан жорий этишга, янги, илғор урф-одатлар ва расм-русумларни тарғиб қилишга, ўтмиш сарқитларига қарши курашишга ва шу каби тадбирларга анча ёрдам бераётганлигини тажриба кўрсатиб турибди.

Бундан буён, янги уй-жой массивларини ва микрорайонларни барпо этиш чоғида аҳоли истиқомат қиладиган жойларда агитация-оммавий ишни ташкил қилиш учун жамоат марказлари қурилишини албатта кўзда тутиш зарур, деб ўйлаймиз. Госплан, Советларнинг ижроия комитетлари шу тажрибани эътиборга олиб, шаҳар ва қишлоқларимизни социал-иқтисодий ривожлантириш ва қуриш планларига зарур тузатишлар киритадилар, деб умид қиламиз.

Халқнинг соғлиғи тўғрисида ғамхўрлик қилиш ҳамиша партиянинг олий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш тадбирлари системасида партия касалликларнинг олдини олишга алоҳида аҳамият беради. Бу ишнинг муҳимлигини ўртоқ Ю. В. Андропов июнь Пленумида алоҳида куч билан таъкидлади: «Касалликларнинг олдини олиш ва бунга эришиш йўлларидан бири сифатида бутун аҳолининг соғлиғини ҳар йили кўрикдан ўтказиб туришни жорий этишга алоҳида эътибор бериш лозим. Ахир, гап одамларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида, яъни социал жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам ғоят муҳим иш тўғрисида бормоқда».

Бу ўринда гап ҳамма планларимизни бажаришнинг энг муҳим омили ҳақида, энг инсонпарвар жамиятимизнинг энг муҳим мақсади ҳақида бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда).

